O’zbekiston Respublikasi
Sirdaryo viloyati
Guliston shahar hokimining

Q A R O R I

Р Е Ш Е Н И Е

хокима Города Гулистана
Сырдарьинской области
Республика Узбекистан

2019 йил 30 август **№ 2221** **Гулистон шаҳри**

Умумтаълим мактабларига микроҳудуд бириктириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда Халқ таълими Вазирлигининг 2019 йил 27 февралдаги “Умумий ўрта таълим муассасасининг намунавий Уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги 72-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, умумтаълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий хужжатларни такомиллаштириш, таълим муассасасига ўқувчиларни тўлиқ қамраб олиш, мактаб ёшидаги ўқувчиларни таълимдан четда қолишини олдини олиш мақсадида, шаҳар ҳалқ таълими бўлимининг 2019 йил 26 июлдаги 01-06/645-сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб **қарор қиламан:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда Халқ таълими Вазирлигининг 2019 йил 27 февралдаги “Умумий ўрта таълим муассасасининг намунавий Уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги 72-сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин ҳамда шаҳар халқ таълими бўлимининг 2019 йил 26 июлдаги 01-06/645-сонли хати қаноатлантирилсин.

2. Шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги барча умумий ўрта таълим муассасаларининг микроҳудудлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шаҳар халқ таълими бўлими мудири (Ш.Хусанов)га;

микроҳудуд бўйича тасдиқланган қарорни умумий ўрта таълим мактабларига ўз вақтида етказиш;

мактаб ёшидаги ўқувчиларни таълимга жалб қилишни мазкур қарор иловасига асосан назоратга олиш вазифалари юклатилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари Л.Ахмедов зиммасига юклатилсин.

5. Ушбу қарор расмий нашрда эълон қилинган вақтдан эътиборан кучга киради.

Шаҳар ҳокими **Т.Дадабаев**